

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР ҚАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар: доц. X.Қурбонов**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА .....	8
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ .....	9
МАЪРУЗА МАТНИ .....	37
ТЕСТ САВОЛЛАРИ .....	48
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....	60
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ .....	61
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР .....	62
ГЛОССАРИЙ .....	62
ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР .....	66
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....	81

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари**

- Тингловчиларга корпоратив молия ҳақидаги илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;
- Корпоратив молия, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида корпоратив молия, уни бошқариш тизимидағи ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий-назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

### **Фан бўйича билимлар, кўнималар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

Олий ва ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

### **Фаннинг Олий таълимдаги ўрни**

Хозирги глобаллашув шароитида корпоратив мулкчилик шаклидаги хішжалик субъектлар молияси тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикаиздаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

## **Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари**

<b>№</b>	<b>Мавзунинг номи</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кўчма машғулот</b>	<b>Мустақил таълими</b>
1.	Корпоратив молиянинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари (2-соат)	2	-	-	-
2.	Капиталлар таркиби ва уни бошқариш	2	2	-	2
	<b>ЖАМИ: (8 соат)</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>-</b>	<b>2</b>

### **Маъруза машғулотлари**

#### **1-мавзу. Корпоратив молиянинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари (2-соат)**

- Иқтисодиётдаг корпоратив тузилмалар: шаклланишининг объектив зарурлиги ва тараққиёт асослари ҳамда миллий иқтисодиётдаги аҳамияти.
- Молия тизими ва унда корпоратив молиянинг тутган ўрни.
- Корпоратив молияни бошқаришнинг функционал элементлари.

#### **2-мавзу. Капиталлар таркиби ва уни бошқариш (2-соат)**

- Капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари.
- Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.
- Молиявий ричаг(левередж) самараси.

### **Амалий машғулотлар**

#### **1-мавзу. Капиталлар таркиби ва уни бошқариш (2-соат)**

- Капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари.
- Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.
- Молиявий ричаг(левередж) самараси.

### **Адабиётлар рўйхати**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

- O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. - Т.: O`zbekiston, 2005 yil.-40 bet
- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”. ЎзР Олий Мажлисининг 29.08.96 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 26.04.1996 й. N 223-І.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. “Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни. 2.09.93 г. N 918-ХII.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар микдорини ошириш тўғрисида»ги 2005 йил 14 сентябрдаги Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор ўйналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 14 июндаги ПФ 3618-сонли Фармони.

## **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий хужжатлари**

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 январдаги 2-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 апрель 2001 йилдаги “Корхоналар инвестицион фаоллигини рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 184-сонли Қарори.

## **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асаллари**

12. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 3 б.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

14. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 2007 йил.- 48 бети.

15. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан изчил харакат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш- асосий вазифамиздир.-Т.: Халқ сўзи, 13 Феврал, 2007 йил. 2-5 бетлар.

16. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Ҳалқ сўзи” газетаси №39(3838)- сони. 25 феврал, 2006 йил.

17. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. “Ҳалқ сўзи” газетаси №39(3838)- сони. 25 феврал, 2006 йил.

18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. “Ҳалқ сўзи” газетаси, 20 (3565)-сони. 29 январ, 2005 йил.

19. Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.  
- Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.

## V. Дарсліклар

1. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
2. Брикхем Ю. и Гапенски Л., Финансовый менеджмент (польный курс в 2-х томах), С.-Пб, 1997, Глава 1,2,3.
3. Основы финансового менеджмента. Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. 12-е изд. - М.: "И.Д. Вильямс", 2008. — 1107-1158 с.
4. Кожухар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций “Издательский дом Дашков и К” -М., 2007. 148 с.
5. Поляк Г.Б. Финансы. - М.: ЮНИТИ, 2006. – 534 с.
6. Пайк Р., Нил Б. Корпоративные финансы и инвестирование.-Спб.: Питер, 2005.- 784 с.
7. Ковалева В. Финансы. -М.: Проспект, 2006.- 498 с.
8. Миляков Н.В. Финансы: учебник. 2-е изд.-М.: ИНФРА-М, 2004. –543 с.
9. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.
10. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. - СПб.: Питер, 2002 г.
11. Brealey R., S. Myers «Principles of corporate finance» 6<sup>th</sup> editions , Irvin- McGraw-Hill.2000.

## VI. Ўқув қўлланмалар

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи” НМИУ. - 2012. – 382 б.

13. Вахобов А.В, Жумаев Н.Х. Халқаро молия муносабатлари/-Т.:Шарқ, 2003.- 399 с.

14. Ковалев В.В. Управление финансами.- М: «Пресс», 1998 г.

15. Курбанов Х.А.Корпоративные финансы.-Т.:Iqtisod-moliya, 2007.- 189 с.
16. Gadoev E.F., Qurbanov X.A. Moliya. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005.- 189 б.
17. Иванов А.П., Финансовые инвестиции на рынке ценных бумаг.- М.: «Дашков и К°», 2004 г.
18. Жумаев Н. Молиянинг долзарб муаммолари. - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 382 б.
19. Федоров А.В. Анализ финансовых рынков и торговля финансовыми активами.-Спб.:Питер, 2007.
20. Шапкин А.С. Экономические и финансовые риски: Оценка, управление, портфель инвестиций.- М.: «Дашков и К°», 2004 г.
21. Kenneth M. Morris & Allan M.Siegel. Guide to understanding money and investing. 2000 by lighbulb, press, Inc.
22. Terry J.Watsham, Keith Parramore, Quantitative Methods in Finance, ITBP, 1995.
23. Knight F. Uncertainty and Profit. Boston: Houghton Mifflin, 2002.
24. Turalay Kenc, «Corporate finance», Text Lectures, 2004.

## ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Машғулот түри</b>	<b>Соати</b>	<b>Үтказилиш муддати</b>	<b>Машғулот түри</b>	<b>Соати</b>	<b>Үтказилиш муддати</b>
1.	Корпоратив молиянинг ташкилий, хукуқий ва иқтисодий асослари	Маъруза	2	Ой 1 ҳафтасининг душанба куни	-	-	-
2.	Капиталлар таркиби ва уни бошқариш	Маъруза	2	Ой 1 ҳафтасининг душанба куни	Амалий	2	Ой 2 ҳафтасининг сешанба куни

## ТАЛЬИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Маъруза машғулотини ташкил этишининг шакл ва хусусиятлари:

No.	Маъруза шакллари	Ўзигахос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасавур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шархини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, хисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шархловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, холатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуктаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишининг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга якун ясад, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қиласи. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиши.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

**1.1. Кириш, информацион маърузани ўқитиши технологияси**

Тингловчилар сони: 10-15 та	2 соат.
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, информацион маързуза
Маъруза режаси	<p>1. Иқтисодиётдаги корпоратив тузилмалар: шаклланишининг объектив зарурлиги ва тараққиёт асослари ҳамда миллий иқтисодиётдаги аҳамияти.</p> <p>2. Корпоратив молиянинг мақсади ва вазифалари.</p> <p>3. Корпоратив мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари молиясининг ўзига хос усусиятлари.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади	Корпоратив молиянинг ташкилий, хуқуқий ва иқтисодий асослари тингловчиларнинг билимини кенгайтириш, чукурлаштириш
Педагогик вазифалари:	<p>Ўқув фаолияти натижаси:</p> <p>1. Фаннинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва предмети тўғрисида тушунчага эга бўладилар.</p> <p>2. Иқтисодиётни акциядорлаштириш ва акциядорлик жамиятларини миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни тушунтиради.</p> <p>3. Молия тизими ва унда корпоратив молиянинг тутган ўрни ёритиб беради.</p> <p>4. Корпоратив молияни бошқаришнинг функционал элементлари хақида билимларга эга бўладилар.</p>
Ўқиши ўсуллари ва техника	Маъруза, ақлий хужум, блиц-сўров
Ўқитиши воситалари	Маъруза матнлари, компьютер технологияси, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиши шакллари	Жамоа бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш
Ўқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиши ўсулларини қуллаш мумкин бўлган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

**Маърузани технологик картаси**

Иш жараёнлари	Фаолият мазмуни	Тингловчи
	Ўқитувчи	
1-босқич. Кириш (20 мин.)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. (1-илова)	1.1. Тинглайдилар  1.2. ЎУМга қарайдилар

	<p>1.2. Ўқув курси бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат шакллари билан таништиради. (2- илова)</p> <p>.</p> <p>1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради. (3 илова)</p> <p>1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади ўқув фаолияти натижаларини баён қиласди.</p> <p>1.6. Биринчи мавзу юзасида ақлий хужум қоидаси асосида доскага «Корпоратив молия нима?»- деб ёзади. Тингловчилар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштирилади. (4-илова)</p>	<p>1.4. ЎУМга қарайдилар</p> <p>1.5. Мавзу номини ёзиб оладилар</p> <p>1.6. Тушунчаларини эркин фикр орқали биладирадилар</p>
2-босқич. Асосий (50 мин.)	<p>2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.</p> <p>2.2. Маъruzani режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳояси умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади. (5- илова).</p> <p>2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун саволлар беради:</p> <p>а) Корпоратив молияни бошқариш фанининг аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидағи ўрни ва аҳамиятини айтиб беринг?</p> <p>б) Фаннинг предмети, асосий мазмуни, таркибий тузилиши, вазифаларини тушунтириб беринг?</p> <p>в) Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини изохлаб беринг?</p> <p>2.4. Таянч ибораларига Тингловчиларни дикқатини қаратади ва улар яна бир тақрорланади.</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар, слайдларга эътибор қаратади, ёзиб олади ва саволлар беради</p> <p>2.3. Саволларга жавоб бердилар</p> <p>2.4. Таянч ибораларини муҳокама қиласдилар ва ёзиб оладилар</p>
3-босқич. Якуний. (10 мин.)	<p>3.1. Ўтилган машғулот бўйича якунловчи хуроса қиласди.</p> <p>3.2. Мустақил тайёргарлик учун уйга вазифа берилади. Бунда дарслик ва бошқа адабиётлар, материаллардан Давлат бюджети фани ва унинг аҳамиятини тушуниб келиш топширилади.</p> <p>3.3. Тингловчиларнинг фаолиятига баҳо кўйилади ва рағбатланади.</p> <p>3.4. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириклар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.</p>	<p>3.1. Тингловчилар эшитадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Топшириқ оладилар</p> <p>3.3. Эшитадилар</p> <p>3.4. Эшитади ва ЎУМга қарайдилар</p>


«Ақлий ҳужум»нинг асосий қоидалари:

- олға сурىлган ғоялар баҳоланмайды ва танқид остига олинмайды;
- иш сиғатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча күп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга харакат қилинади;
- муаммо ечимидан ўзок ғоялар ҳам қуллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йули билан ёзиб олинади;
- «Ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.


### **Визуал материаллар**

1-слайд

#### **1. Фаннинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва предмети.**



Корпоратив молия- мулкчиликнинг корпоратив шаклида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари молиявий ресурслар фондини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизимини ўзида ифодалайди.



2. Иқтисодиётни акциядорлаштириш ва акциядорлик жамиятларини миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни.

### “Корпорация” тушунчасининг моҳияти

Корпорация бир неча компанияларнинг умумий стратегия ва молиявий оқимлар консолидацияси доирасида бирлашмаларини ўзида ифодалайди.

“Корпорация” лотин тилидаги “согрис habere” терминидан олинган бўлиб шахснинг юридик хукуки тушунчасини англатади. Рим империяси даврида(ЭА 160 йиллар) шахсий иттифокларга нисбатан бундай хукуклар берилган.

Бундан шундай холоса килиш мумкинки “Корпорация” термини “юридик шахс” терминининг синоними хисобланади.



#### Акционерлик жамиятларининг миллий иқтисодиётдаги тутган ўрни

№	Номи	1 январ ҳолатига		
		2008 й.	2009 й.	2010 й.
1.	<i>Рўйхатга олинган АЖ</i>	1207	1225	1236
2.	<i>Устав капитали</i>			
2.1.	Минг сўмда	2 804 868 448,0	2 897 118 773,0	2 979 329 520,0
2.2.	Минг долларда	592 397,0	593 996,4	693 996,4

АССОЦИАЦИЯ	- Жиыннан және юридик шахсдердің үзөрө хамкорлық қылыш мәжбүрдеги иктиерій бирлешиуи. Бұнда ассоциация еъзоларининг зәркендиги және уәвернинг мустақиллігі сакланып калынаади.
КОНГЛОМЕРАТ	- базорнинг түрли сектораларын тәртібке салуучылар томонидан итифоқ, бирлашыннан бер шекли. Конгломерат шароиттағы фирмаларнинг жоғоры дереккәдеги мустақиллігі және бошқарынша децентрализация тәмминланади.
КОНСОРЦИУМ	- Ырік капитал сиямнанғандағы бүлтән лойхаларны хамкорлық да амалға ошириш үчүн үзүүмий келишин мәжбүрдеги компания, бендер және бошқа ташкилттарнан әкімнәчелік бирлешиуи (буюртмаға солинади). Солидар мажбурнан сакланади.
КОНЦЕРН	- үзүүмий меншеттер, шартномалар, капиталларни бирлешитириш билen болып, иштирокчилернинг хамкорлықда сотын мәжбүрдеги түзүлген бирлешиуи.
СИНДИКАТ	- бир түрдеги төвәрләрни ишләб чыгаруучы компаниялар томонидан яғона сәздө тибини оркали хамкорлықда сотын мәжбүрдеги түзүлген бирлешиуи.
ТРЕСТ	- бундай бирлешиуга кирган компания, фирмалар үзининг ишләб чыкашы да сәздө мустақиллігини үйіндейділер, бундай феолият бошқару мәрказынан тәртібке солинади. Ізбекистонда курилиш трестлері нисбетен ривожленген.
МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУХИ	- юридик жиһадан мустақил бүлтән компания, молияий және инвестицион институттарнан үзөрө үзүүмиктисодий мәжбүрдеге зәршаш үчүн үзіннинн мөддий ресурслари да капиталларни бирлешитириш шеклидір. МССД мәрказынан компания мәхсус ташкилт яғынан "бошқаруучы компания" хисобланади да үннинг тәркібінде банклар, молияий және суругта компаниялары кирилледи.
ХОЛДИНГ	- үзиннинн тәркібиге киругачи шүбе компаниялар операциялари үстідан назорет қылуучы холдинг компаниялары мажмусасында. Холдинг шароиттағы үннинг назоратын киругачи компанияларнан әкциялар пакеті, бошқару да назорат феолиятынан баш компания иктиеріда бўлади.

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади.

Жамият юридик шахс ҳисобланади да үзиннинг мустақип балансида ҳисобга олинадиган апоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши хамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда дайвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.



## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ПАЙДО БҮЛШИНИНГ ОБЪЕКТИВ ШАРТ ШАРОИТЛАРИ

Дастлабки акциядорлик жамиятлари XVI асрда пайдо бўлган. Акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлишига таъсир этувчи омиллар:

1. Капиталнинг бирламчи жамғарилиши.
2. Иқтсадиёт тармоқларида йирик капитал сифумига эга бўлган лойиҳаларни реализация қилиш учун капиталларнинг концентрациялашувига эхтиёжнинг вужудга келиши.
3. ФТР ва ФТГлар натижасидаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш заруратининг туғилиши.

10-слайд

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Акциядорлик жамияти очик ёки ёпик бўлиши мумкин. Очик акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпик акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади.

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мүмкін бўлган акциядорлик жамияти очиқ акциядорлик жамияти деб хисобланади. (ЎзР 26.12.1997 й. 549-Г-сон Конуни таҳриридаги қисм)

Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ва қонун хужжатларининг талабларини хисобга олган холда уларни эркин сотишига хақлиdir.


Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга хақли, жамият уставида ва қонун хужжатларидан ёпиқ обунани ўтказиш имконияти чеклаб кўйилган холлар бундан мустасно.

Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони чегараланмайди.

## ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти деб хисобланади. (ЎзР 26.12.1997 й. 549-Г-сон Конуни таҳриридаги қисм)

Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишига хақли эмас. Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори



### 3. Молия тизими ва унда корпоратив молиянинг тутган ўрни.



## КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ТАШКИЛЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

- 1.** Хўжалик фаолиятини ўз-ўзини тартиба солиш;
- 2.** Ўз-ўзини қоплаш ва ўз-ўзини молиялаштириш;
- 3.** Шакллантирилган капиталларни асосий ва айланма маблағларга бўлиниши;
- 4.** Молиявий заҳираларнинг мавжудлиги.

### Корпоратив молиянинг мазмуни

Корпоратив молия З асосий вазифаларни ҳат килади:

*1. Корпорация қандай инвестицияларни амалга ошириши керак?*


Бу савол корпорациялар активларни жойлаштириш сиёсатини ўзига камраб олади. Одатда ҳар қандай хўжалик субъектлари маълум бизнес турлари бўйича маблагларни асосий ва айланма активларга инвестициия киладилар.

*2. Инвестициялар учун талаб қилинадиган молиявий ресурсларни қандай шакллантириши мумкин?*


Компания инвестициялар учун зарурий молиявий ресурсларни хиссадорлик капиталини шакллантириш ёки облигация, кредит каби карз инструментлари воситасида фойдаланинг холда карз капиталларини шакллантириш каби альтернатив карорлар асосида капиталлар структураси сиёсатини олиб бориши лозим.


Молиялаштириш принципи: инвестицияларни молиялаштириш учун капиталларнинг оптималь структураси инвестициялар кийматини максималлаштириши лозим.

*3. Компания жорий инвестицияларнинг қандай миждори акционерларга кайтарилиши лозим? -деган саволга жавоб берииши лозим.*



#### 4. Корпоратив молияни бошқаришнинг функционал элементлари.





## 2.1. Маърузани ўқитиши технологияси

Тингловчилар сони: 10-15	2 соат.
Ўқув машғулотининг шакли	Мавзули информацион маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>Капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари.</li> <li>Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.</li> <li>Молиявий ричаг(левередж) самараси.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади	Акциядорлик жамиятларида капиталлар таркиби ва уни бошқариш тўғрисидаги билимларга эга бўлиш.
Педогогик вазифалари: - капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асосларини тушунтириб беради; - капиталларни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш услубиётини тушунтириб беради; - молиявий ричаг(левередж) самараси ва капитал элементларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича маълумотлар беради.	<p>Ўқув фаолиятининг натижаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асосларини гапириб беради;</li> <li>- капиталларни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш услубиётини тушунтира олади;</li> <li>- молиявий ричаг(левередж) самараси ва капитал элементларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш бўйича кўникмаларга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиши усуллари ва техника	Маъруза, блиц-сўров усуллари, Т-схема;
Ўқитиши воситалари	Маъруза матни, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиши шакллари	«Жамоа бўлиб ишлаш», туғри йўналтирилган ва гурухларда ишлаш усуллари.
Ўқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиши усулларини қуллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Маърузани технологик картаси

Иш жараёнлари	Фаолият	Тингловчи
	Ўқитувчи	
1 босқич Кириш. (10 мин.)	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қиласди, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш шаклини эълон қиласди</p> <p>1.3. Ҳар бир Тингловчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч ибораларини ва маъруза режасига изоҳ беради.</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзадилар</p> <p>1.2. Эшитадилар, ёзиб оладилар</p> <p>1.3. ЎУМга қарайдилар</p> <p>1.4. Эшитадилар</p>
2 босқич Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Қуйидаги саволларга ўйлаб жавоб беришларини сўрайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Акциядорлик жамиятларида капитал қандай манбалар хисобига шакллантирилади?</li> <li>- Капиталнинг алоҳида элементлари нималардан иборат?</li> <li>- Молиявий ричаг самараси нима?</li> </ul> <p>2.2. Капиталлар таркиби ва уни бошқаришнинг илмий назарий асосларини тақдимот материаллари асосида тушунтириб беради. (1-12 иловалар)</p> <p>2.3. Тингловчилар Т-схема ишлаб чиқади. (13-и洛ва)</p> <p>2.4. Тингловчиларга эркин фикр айтишга руҳсат берилади ва уларни рағбатлантиради.</p> <p>2.5. Презентация бошланиши тўғрисида эълон қиласди. Маслаҳатчи сифатида қатнашади изоҳ беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p> <p>2.6. Тингловчиларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб беришадилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар ва муносабат билдирадилар</p> <p>2.3. Т-схемасини бажарадилар</p> <p>2.4. Фикрларини айтиб берадилар</p> <p>2.5. Такдимотда қатнашадилар</p> <p>2.6. Хулоса қисмida қатнашадилар</p>
3 босқич Якуний босқич (10 мин.)	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.</p> <p>3.2. Гурухларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сўрайди. Натижаларга изоҳ беради.</p> <p>3.3. Мустақил бажариш учун топширик беради:</p> <p>1. Назорат саволларига оғзаки жавоб</p>	<p>3.1. Гурухлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади.</p> <p>3.2. Эшитадилар.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш</p>

	<p>бериш (14-илова)</p> <p>2. Навбатдаги амалий машғулотда күриладиган масалани эълон қиласи ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди: берилган рўйхат бўйича тавсия килинган адабиётларни ўрганиш.</p>	<p>учун топширикни ёзib олишади.</p>
--	--	--------------------------------------

### Визуал метериаллар

1-илова


1-слайд


- Капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари.

Капитал- молиявий менежментда доимий фойдаланиб келинаётган иқтисодий категорияларданdir.


Капитал- корхонанинг активларига инвестиция килинган пул, моддий ва номоддий кийматларнинг умумий қийматини ўзида ифодалайди.

2-слайд





2. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптималь таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.



## АЖ баланс пассивининг сруктураси

### Ўз маблағлари манбалари(хусусий капитал):

1. Устав капитали
2. Қўшилган капитал
3. Заҳира капитали
4. Тақсимланмаган фойда
5. Мақсадли тушумлар
6. Бошқалар.

### Мажбуриятлар(қарз капитал):

1. Узоқ муддатли мажбуриятлар.
2. Жорий мажбуриятлар

## Акциядорлик жамиятининг(АЖ) устав фонди

**АЖнинг** устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

**АЖнинг** устав фонди унинг мол-мulkининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мulkнинг) қонун хужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади.

**АЖ** оддий акцияларни шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

**АЖ** таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлаштирилган бўлиши керак.

### Акциондорлик жамиятнинг(АЖ) устав фонди

Жамият уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Хар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг захира фонди: (а) кўрилган зарарни коплаш, (б)жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, (в)имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ва Қонунга мувофиқ, (г)акцияларни сотиб олишни талаб қилиш хукуқига эга бўлган акциондорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

### Акциондорлик жамиятнинг соф активлари

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия хисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги хар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциондорлари тасдигига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан озбулиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги хар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциондорлари тасдигига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиши хақида қарор қабул қилиши шарт.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиши тўғрисида қарор қабул қилинмаса, унинг акциондорлари, кредиторлари, шунингдек давлат томонидан ваколат берилган органлар жамиятни суд тартибида тугатишини талаб қилишга хакли.

**Акциядорлик жамиятининг соғ активлари**

<b>I. Активлар</b> 1. Номоддий активлар 2. Асосий воситалар 3. Башка айланмадан ташкари активлар, кечиктирилган солик активларини хисобга олган ҳолда. 4. Захиралар 5. Дебиторлик карздорликлари, устав капиталиган кўйилма юлиши лозим бўлганиндан ташкари. 6. Пул маблағлари 7. Башка айланма маблағлар <b>Жами активлар(ЖА)</b>
<b>II. Пассивлар</b> 2.1..Заёmlар ва кредитлар бўйича узок муддатли мажбуриятлар. 2.2. Башка узок муддатли мажбуриятлар. 2.3. Заёmlар ва кредитлар бўйича киска узок муддатли мажбуриятлар 2.4. Кредиторлик карздорлиги 2.5. Даромадларни тулаш бўйича иштирокчиларга карзлар 2.6. Башка киска муддатли мажбуриятлар <b>Жами пассивлар(ЖП)</b>
<b>21. Соғ активларнинг қиймати(ЖА-ЖП)</b>

10-слайд

Капиталнинг ўртача тортиган қиймати:

$$WACC = \sum_{i=1}^n k_i * r_i$$

11-слайд

**АЖнинг келгусидаги ривожланишининг  
молиявий салоҳияти модели**

$$T_{\phi} > T_{xk} > T_a > 100$$

Бу ерда,  
 $T_{\phi}$  – фойданинг ўсиш суръати  
 $T_{xk}$  – хусусий капиталнинг ўсиш суръати  
 $T_a$  - активларнинг ўсиш суръати

3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

### Молиявий ричаг(левередж) самараси

Молиявий ричаг самараси – қарз маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини тавсифлайди.

$$ROA = \Pi_u : A,$$

*Бу ерда*

*ROA – иқтисодий рентабеллик*

*Π<sub>u</sub> - иқтисодий фойда*

*A - активлар*

$$E_{\lambda\varphi} = (1-T) (ROA - i) K_c$$

*Бу ерда,*

*E<sub>λφ</sub> - Молиявий ричаг самараси*

*i - кредит фоизи*

*K<sub>c</sub> - мустақиллик көзффициенти*

*K<sub>c</sub> – мустақиллик көзффициенти куйидагича хисобланади*

$$K_c = \frac{\text{Қарз маблағлари}}{\text{Хусусий капитал}}$$

Хусусий капитанинг рентабеллиги(**ROE**) куйидагича хисобланади

$$ROE = (ROA + E_{\lambda\varphi}) (1-T)$$

*ёки*

$$ROE = [ ROA + (ROA - i) K_c ] (1-T)$$

*ёки*

$$ROE = \frac{\text{Фойда}}{\text{Хусусий капитал}}$$

*A,B,C акциядорлик жамиятларида хусусий капитал рентабелиги, молиявий ричаг самарасини ҳисоблаш*

Күрсаткычлар	A	B	C
Активлар	1000	1000	1000
Хусусий капитал	1000	800	500
Каз капитал	0	200	500
Солик ва кредиттеги түловларгача бўлган фойда	200	200	200
ROA	20	20	20
Кредитга фоизли тўловлар, 10%	-	20	50
Фойда солиғи тўлангунга кадар фойда	200	180	150
Фойда солиғи, 10%	20	18	15
Соф фойда	180	162	135
ROE	18%	20,25%	27%
$E_{NP}$	0	2,25	9

## 2-илова

### «Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, куп тармоқли, мумкин қадар муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нутқалардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камтиликлари, бир ғоянинг иккى томони, фойда ва зарарлари;
- танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлар мувваф-факияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шактда ихчам баён этиш, химоя қилишга имкон яратади;
- маъруза якунида қулланилади.

Т-схема қонун-коидалари Билан танишиб чиқади.  
Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равишда унг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гурӯхларда тулдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлқ баён этиши мумкин.

Т-схемадан фойдаланиб акциядорлик жамиятлари хусусий капитали тушунчасининг тўғрисини ёзib чиқинг

1. Низом капитали;
2. Захира фонди;
3. Тақсимланмаган фойда;
4. Банк кредити;
5. Облигацион заёмлар.
6. Кредиторлик қарздорлик.

Акциядорлик жамиятлари хусусий капитали тушунчаси.

Тўғриси	Нотўғриси
1.	1.
2.	2.
3.	3.

**З-илова**



Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

1. Капиталлар таркибининг алоҳида элементлари ва уни корхоналар молиявий ҳолатига таъсири нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида молиялаштириш усуларининг қандай турларини биласиз?
3. Акциядорлик жамиятлари хусусий капиталлари ва уларни шакллантиришнинг хусусиятлари нималардан иборат?

## 2.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси

Тингловчилар сони: 10-15 та	2 соат.
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот.
Машғулот режаси.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари.</li> <li>2. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптималь таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.</li> <li>3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг	Тингловчиларнинг акциядорлик жамиятларида

мақсади:	капиталлар таркиби ва уни бошқариш түғрисидаги билимларини мустаҳкалаш ва чуқурлаштириш.
Педогогик вазифалари:  - мавзуни мустақил ўрганиш учун асос яратади; - мавзуу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; - кичик гурухларда ишлашни ташқил қиласди; - ўз нуқтаи назарга эга бўлишни шакллантиради. Мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради;	Ўкув фаолияти натижаси:  - капиталнинг мазмуни ва акциядорлик жамиятларида капиталларни бошқаришнинг назарий асослари бўйича мустақил фикрлай оладилар; - капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш бўйича кўниммаларини мустаҳкамлайдилар. - молиявий ричаг(левередж) самараси ва капиталлар алоҳида элементлари самарадорлигини ҳисоблаш бўйича малакага эга бўладилар.
Ўқитиш воситалари ва техника	Маъруза матни, дарслик, компьютер технологияси, эксперт вараклари, графиклардан фойдаланиш.
Ўқитиш усуслари	Амалий машғулот, бир-бираидан ўрганиш усули;
Ўқитиш шакллари	Гурухларда ва «жамоа бўлиб ишлаш» усули.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, гурухларда ишлаш усулини куллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назоарт, савол – жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

#### Амалий машғулотни ўқитиш технологик картаси

Иш жараёнлари	Фаолият мазмуни:	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич Кириш. (10 мин.)	<p>1.1. Ўкув машғулотининг мавзусини, мавсадини, ўтказиш тартибини ва натижасини эълон қиласди.</p> <p>1.2. Акциядорлик жамиятлари капиталлари таркиби ва уни бошқариш бўйича фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўtkazadi. (1-илова)</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзадилар</p> <p>1.2. Савол-жавобда қатнашадилар</p>
2-босқич Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Тингловчиларга мавзуу бўйича берилган маъруаларининг тақдимоти.</p> <p>Мавзулар:</p> <p>1. Иқтисодий ислоҳотларни либераллаштириш, чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятлари молиясининг аҳамияти.</p> <p>2. Акциядорлик жамиятлари молияси тизимида капиталларни шакллантириш хусусиятлари.</p>	<p>2.1. Тингловчиларнинг тайёрлаб келган маърузалари тингланади ва муносабат билдириладилар.</p>

	3. Капиталар таркиби ва уни акциядорлик жамиятлари молиявий ҳолатига таъсири.	
3-боскич Якуний боскич (10 мин.)	<p>3.1.Мавзуда қуйилган саволлар ва уларни ҳал қилингандык бүйича ўқитувчи якун ясайди (хулоса қиласи).</p> <p>3.2.Келгуси мавзуу эълон қилинади ва унга тайёргарлик куриш учун мустақил ишлаш лозимлиги тушунтирилади.</p> <p>3.3.Мавзуни қандай узлаштирилганлигини билиш мақсадида тест-назоратини ўтказади. (2-илова)</p>	<p>3.1.Эшишишадилар ва езиб олишадилар</p> <p>3.2.Мустақил иш мавзуларини ёзиб оладилар</p> <p>3.3.Тест назорати саволларига жавоб беришадилар</p>

## 1-илова

Савол – жавоб учун саволлар рўйхати

1. АЖлар низом капиталига минимал талаб қандай?
2. Захира фонди нима учун шакллатирилади?
3. Мақсали тушумлар нима?
4. Барқарор пассивлар нима?

## 2-илова

### Назорат тестлари

#### 1. Активлар рентабелиги кўрсаткичи:

- A. Соф фойда / активларнинг хретча йиллик қиймати
- B. Соф фойда / маҳсулот реализациясидан тушум
- C. Соф фойда / хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати
- D. Соф фойда / муомаладаги акцияларнинг миқдори

#### 2. Хусусий капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичи:

- A. Соф фойда / активларнинг хретча йиллик қиймати
